



On the establishment of the institutional framework for combating corruption in the Republic of Uzbekistan and its preliminary results

Adina ZAKIROVA¹

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2023
Received in revised form
15 July 2023
Accepted 15 July 2023
Available online
25 August 2023

Keywords:

corruption,
prevention,
state power,
the public,
openness of the activities of
state bodies,
legality,
transparency,
program.

ABSTRACT

This article analyzes some of the legal foundations of the fight against corruption in our country and the responsibilities of individual state bodies regulating legal relations in the field of corruption prevention.

The article also presents proposals and conclusions to ensure the openness of the activities of state bodies and organizations and the effective implementation of public control.

In the article, the author concludes that it is necessary to further improve the mechanisms for protecting the rights and interests of citizens in the fight against corruption, openness of the activities of public authorities and management, and ensuring public and parliamentary control.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss4-pp30-38>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишнинг институционал асосларининг яратилиши ва унинг дастлабки натижалари хусусида

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг айрим ҳуқуқий асослари, коррупциянинг олдини олиш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи бир қатор давлат органларининг мажбуриятлари таҳлил қилинган.

Шунингдек, мақолада давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир тақлиф ва ҳулосалар баён этилган.

Калит сўзлар:

коррупция,
олдини олиш,
давлат ҳокимияти,
жамоатчилик,
давлат органлари
фаолиятининг очиқлиги,
қонунийлик,
шаффофлик,
дастур.

¹ DSc, Professor, Department of Crime Prevention, the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.

Муаллиф мақолада коррупцияга қарши курашишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги, жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида ҳулосага келган.

О создании институциональных основ противодействия коррупции в Республике Узбекистан и ее предварительных результатах

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

коррупция,
профилактика,
государственная власть,
общественность,
открытость деятельности
государственных органов,
законность,
прозрачность,
программа.

В данной статье проанализированы некоторые правовые основы борьбы с коррупцией в нашей стране, обязанности отдельных государственных органов, регулирующих правоотношения в сфере предупреждения коррупции.

В статье также изложены предложения и выводы по обеспечению открытости деятельности государственных органов и организаций, эффективному осуществлению общественного контроля.

В статье автором сделан вывод о необходимости дальнейшего совершенствования механизмов защиты прав и интересов граждан в борьбе с коррупцией, открытости деятельности органов государственной власти и управления, обеспечения общественного и парламентского контроля.

SUMMARY

Corruption as an extremely negative crime is always committed secretly since it is persecuted by the state and society and responsibility is provided for it. That is why one of the most important tools to combat it is openness and control over information. Today, ensuring openness and transparency in the life of the state and society, as well as the implementation of public control, is understood by the international community as one of the most important tools for combating corruption.

Openness can be understood as a requirement, standard, norm, tool, category, method, model, or tool. Openness is usually applied to the activities of state bodies.

Speaking about the openness of state bodies, we should also focus on “public control”. Because these two concepts are interrelated and important institutions for ensuring democracy. The openness of the activities of state bodies allows for public control. If there is no openness, then there will be no question of public control. But this does not mean that openness is primary in relation to public control. Because the qualitative indicators of openness at the same time depend on public control.

Openness and public control remain one of the most necessary and effective tools for combating corruption, which has proven their effectiveness on the example of advanced foreign experience. Therefore, the whole society, every citizen, all state bodies, and their representatives are interested in openness and effective public control.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан мамлакат Парламентига Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси киритилган, у 2017 йил 3 январда қабул қилинган [12]. Ундаги 6 та боб ва 34 та моддада давлатнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг қонунчилик асослари белгиланган.

Қонун коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни мажмуавий тартибга солишни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонунга мувофиқ коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Кўриб чиқиладиган Қонунда давлатнинг коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишлари келтирилган, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ваколатли давлат органлари белгилаб берилган, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг иштироки, шунингдек, кўриб чиқиладиган соҳада халқаро ҳамкорлик қилиш белгилаб берилган.

Мазкур Қонунни ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” [6] ва “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинганлигини таъкидлаш зарур [5].

Кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарали тизимини шакллантириш, қонунлар бузилишининг олдини олиш ва уларга чек қўйишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий қилиш мақсадида қабул қилинган.

Коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш мақсадида “Халқ давлат органларига эмас, давлат хизматчилари халққа хизмат қилиши лозим” деган ғоя остида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизими тубдан такомиллаштирилди.

Шунингдек, Президент халқ қабулхонаси, “ишонч телефони” ҳамда “виртуал қабулхонаси” шунингдек, ҳар бир вазирлик ва давлат идораларининг “ишонч телефонлари” ҳамда **“виртуал қабулхоналари”** ишга туширилди.

Коррупция глобал ва ички таҳдид сифатида давлат тузумининг барқарорлиги иқтисоднинг ривожланганлик даражасига, мустақамлигига ва истиқболлигига раҳна солади. Тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйилаётган ҳозирги шароитда коррупция демократик конституциявий тузумнинг иқтисодий негизларига, эркин бозор иқтисодиётини баравж ривожланишига тўсқинлик

қилади [2].

Шу боис ҳам сўнгги йилларда Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш масалаларига изчил ва тизимли эътибор қаратмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йилнинг августида чоп этилган “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобининг “Ўзбекистон ва умумбашарий муаммолар” бўлимида “Коррупциядан холи дунё – умумбашарий орзу” мавзусида коррупция муаммоси ҳар томонлама таҳлил этилган [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5158-сон Фармони асосида профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш белгиланди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, меритократия ва очиқ танловлар асосида давлат фуқаролик хизматининг “карьерра модели”ни жорий этиш ишлари бошланди.

Давр давлат органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш, Ватанга садоқат, демократия, мустақиллик ғояларига, ўз халқининг маънавий ва тарихий қадриятларига содиқлик руҳида тарбиялаш, ёшларга қонунчиликни тўғри англаш ва уларга қатъий риоя қилишни таъминлайдиган юксак маданиятни, касбий кўникмаларни, фаол ижтимоий-фуқаролик ҳулқ-атворини сингдириш ва уларда маънавий-ахлоқий фазилатларни, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш ва ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, кенг дунёқараш, соғлом фикрлаш ва турли ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳамда коррупция жиноятчилигига қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш вазифаларини қўйди.

Мазкур вазифалар ижросини самарали таъминлашда, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш масалалари долзарб аҳамиятга эга.

2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида эса коррупцияга қарши курашишда кадрлар сиёсатини тўғри йўлга қўйишнинг аҳамияти ва ролига алоҳида тўхталиб, “Коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири – кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизимини йўлга қўйишдан иборат. Ушбу тизим асосида кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очиқ ва ошкора танлов тизими жорий этилади” [11] – деб таъкидлаган эди.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ва билимини баҳолаб бориш тизими йўлга қўйилиши айтиб ўтилди.

Мана шу муҳим вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул алоҳида ваколатли орган ташкил этиш таклифи илгари сурилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Олий Мажлис палаталарида Коррупцияга қарши курашиш бўйича қўмиталар тузилганлиги,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони[9]нинг шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-4761-сон Қарори[8] нинг қабул қилинганлиги тараққиёт кушандаси бўлган коррупцияга қарши кескин киришилганлигини билдиради.

Натижада коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш ишлари давом эттирилиб, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармон ва ПҚ-4761-сон Қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ташкил этилди.

Бу эса, мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш борасида олиб борилаётган ишларнинг таъсирчанлигини таъминлашга замин яратди. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги коррупциявий хавфларни аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш учун масъул бўлган алоҳида орган саналади [10].

Ўтган давр мобайнида мамлакатнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги устувор сиёсатини белгилаб берувчи ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи давлат дастурлари ҳамда йўл хариталари тасдиқланди ва ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши таркиби тасдиқланиб, ишчи органи сифатида Агентлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармонида биноан идоралараро комиссияси ҳамда унинг ҳудудий идоралараро комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари деб қайта номланди. Ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш Агентлиги таъсис этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига [8] мувофиқ у давлат томонидан мамлакатда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга йўналтирилган давлат сиёсатини шакллантириш ва ўтказишга вакил қилинган

Бугунги кунда Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши ва Ҳудудий кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда услубий қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

2021–2022 йил давомида Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашининг 8 та мажлиси ташкил этилиб, уларда Миллий кенгаш ва Ҳудудий кенгашларнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш **ҳудудий кенгашлари ташкил этилди** ҳамда Агентлик раҳбарияти, Миллий кенгаш аъзолари иштирокида **таъсис йиғилишлари** ўтказилди.

Ҳудудий кенгашлар фаолият бошлаши натижасида коррупцияга қарши курашиш ислохотларни ҳудудларда ижросини таъминлаш сифати яхшиланди.

Худудий кенгашлар фаолиятини мунтазам баҳолаб бориш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш худудий кенгашларининг **рейтинг баҳолаш методикаси** ва **мезонлари** тайёрланди ҳамда Миллий Кенгаш томонидан тасдиқланди.

Ўтган давр мобайнида худудий кенгашларнинг иш режалари тасдиқланди ҳамда Агентлик тавсиясига асосан барча кенгашлар ўз режалари хусусида ОАВ учун матбуот анжуманлари ташкил этилди.

Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда қарорлари, давлат раҳбари бошчилигида ўтказилган йиғилишларда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган йўналишида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Коррупция нафақат демократиянинг, умуман ҳар қандай тараққиётнинг кушандаси эканини идрок этиш натижасида сўнгги йилларда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг аҳамияти ва кўлами кенгайди.

Демократик жамиятда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Зеро, ҳуқуқий билим ва маданият юксак жамиятда фуқаролар ижтимоий ҳаётда бўлаётган ўзгаришларга фаол муносабатда бўлади, шахсий фикрни эркин билдириш, ғоя ва ташаббусларни илгари суриш, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш каби муҳим позиция қарор топади. Шу боис жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳуқуқ ва бурчлари, масъулиятини пухта билиши, буни ҳаётий эҳтиёж сифатида англаши лозим.

Ҳуқуқий саводхонлик қонун олдидаги кўрқув ёхуд фақат жавобгарликка дучор бўлмаслик учунгина эмас, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун билан белгиланган кўшимча афзалликлардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, жамият ва давлат олдидаги ўз мажбуриятларини сидқидилдан бажариш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу каби долзарб жиҳатларни инобатга олган ҳолда сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони [7] ҳамда 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4551-сон қарори ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Жумладан, ПҚ–4551-сон Қарор билан Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Мазкур дастур асосида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги, жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари янада такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, Бош вазир қабулхонаси, Давлат хизматлари агентлиги каби фуқаролар мурожаати билан бевосита ишлаш институти фаолияти йўлга қўйилгани давлат ва жамият ўртасида самарали мулоқот ўрнатиш имконини янада кенгайтди.

Ўзбекистонда давлат органлари томонидан фуқаролик жамияти вакиллари билан ҳамкорликда ёки уларнинг ёрдамида коррупцияга қарши курашиш бўйича хабардорликни ошириш ва аҳолини ўқитиш юзасидан кўп сонли тарғибот тадбирлари ўтказилган. Бундан ташқари, ўқув муассасаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув дастурлари жорий қилинган [1].

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат юридик университетида “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат” мутахассислиги бўйича янги магистратура йўналиши очилиб, махсус ўқув дастури ишлаб чиқилди ва Олий таълим вазирлиги томонидан тасдиқланди.

Мазкур магистратура йўналиши республикада янги бўлиб, давлат ташкилотларида фаолияти йўлга қўйилган ички назорат тузилмалари учун малакали мутахассисларни тайёрлаш имконини беради.

ИИБ Академияси Магистратурасининг 70420401 – ташкилий-тактик бошқарув йўналиши тингловчиларига “Коррупцияга қарши курашишни ташкил этиш”, 70420402 – ташкилий-стратегик бошқарув йўналишлари бўйича тахсил олаётган тингловчилар учун “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” ўқув фанларидан махсус ўқув дастури асосида ўқитиш йўлга қўйилганлиги эътиборлидир.

Бугунги кунда шу каби кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ва албатта, янги босқичдаги ислохотлар самараси туфайли жамиятимизда ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданият даражаси тобора юксалиб бормоқда. Шунингдек, бугун мамлакатда кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга нисбатан масъулият, ташаббускорлик, дахлдорлик йил сайин фаол шаклланмоқда. Айниқса, ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг раҳбар-мутасаддилари хатти-ҳаракатларига нисбатан билдирилаётган муносабат туфайли кўплаб камчилик ва муаммолар, қонунбузилиш ҳолатлари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фош этилмоқда ёки қатор салбий иллатларга чек қўйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий билим ва тафаккур жамиятда қонунбузилиш ҳолатларига мурасизлик, фикр ва қарашларни эмин-эркин баён этиш, энг муҳими, жамоатчилик назоратини кучайтиришга ва такомиллаштиришга замин яратмоқда.

Бугунги кунда шу каби кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ва албатта, янги босқичдаги ислохотлар самараси туфайли жамиятимизда ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданият даражаси тобора юксалиб бормоқда. Шунингдек, бугун мамлакатда кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга нисбатан масъулият, ташаббускорлик, дахлдорлик йил сайин фаол шаклланмоқда. Айниқса, ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг раҳбар-мутасаддилари хатти-ҳаракатларига нисбатан билдирилаётган муносабат туфайли кўплаб камчилик ва муаммолар, қонунбузилиш ҳолатлари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фош этилмоқда ёки қатор салбий иллатларга чек қўйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий билим ва тафаккур жамиятда қонунбузилиш ҳолатларига мурасизлик, фикр ва қарашларни эмин-эркин баён этиш, энг муҳими, жамоатчилик назоратини кучайтиришга ва такомиллаштиришга замин яратмоқда.

Натижада **Transparency International** ташкилотининг 2022 йилда эълон қилган рейтингларига кўра, Ўзбекистон коррупция бўйича 183 та мамлакат орасида **126 ўринда** қайд этилган. Бу кўрсаткич охириги йилларда олиб борилган ислохотлар натижаси сифатида қаралса ҳам, қониқарли деб айта олмаймиз. Бунинг учун, давлат раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёсатда коррупциянинг оқибати ва натижалари билан курашиш эмас, балки унинг олдини олишга қаратилган **превентив чораларни** кўришга устувор аҳамият қаратиш барча вазирлик ва ташкилотлар, сиёсий партиялар, ННТлар, ОАВ вакиллари, таълим масканлари ва кенг жамоатчиликнинг кечиктириб бўлмас вазифасига айланиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Anti-corruption reforms in Uzbekistan 4th round of monitoring of the Istanbul Anti-Corruption Action Plan // OECD. 2019. [Electronic resource]. URL: https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-ENG.pdf 17-18 pp.
2. Қобилов Ш.Р. Коррупция: сабаблари, шарт-шароитлари, оқибатлари ва олдини олиш йўллари. Монография / – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси “Ўзбекистон” НМИУ. – 2019. – 368 б.
3. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т., – 2021. – 464 б.
4. Саъдуллаев, Г. (2022). Обеспечение информационной безопасности органами внутренних дел: требование времени. Современные тенденции развития цифровизации в сфере юстиции, 1(1), 193–197. <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-1-8-MTDDFJ-2021-pp193-197>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги № ПҚ-2833 “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори // Lex.uz. [Электрон ресурс]. URL: <https://lex.uz/docs/3141184> (мурожаат қилинган сана: 15.09.2021).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги №ПҚ-2752 “Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида// Lex.uz. [Электрон ресурс]. URL: <https://lex.uz/docs/3105127> (мурожаат қилинган сана: 15.09.2021).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси” веб-сайти // Халқ сўзи. – 2019. – 10 янв.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-4761-сонли Қарори // <http://www.lex.uz>.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони / <http://www.lex.uz>..
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги №ПҚ-4761 “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги

фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Қарори // Lex.uz. [Электрон ресурс]. URL: <https://lex.uz/ru/docs/4875795>.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 30 декабрь сони.

12. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги №ЎРҚ-419 “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Қонуни // Lex.uz. [Электрон ресурс]. URL: <https://lex.uz/docs/3088013>.